

# ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЗООНИМЛАР ИШТИРОК ЭТГАН МАҚОЛЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупова Ш.Т., ФарДУ

Ҳар бир халқнинг маданиятида турли мавзуларга оид мақоллар мавжуд. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ҳайвон номлари иштирок этган мақоллар салмоқли ўрин тутади. Бундай мақолларда ҳайвон номлари тимсол сифатида ижобий ва салбий хусусиятларга эга инсонлар образини яратишга ёрдам беради. Масалан, шер – мард, довюррак, ботир кишиларни; туя – кучли, чидамли, сабр-матонатли, баъзан такаббур инсонларни; кўй – ювош табиатли, бўйсунувчанларни; бўри – қонхўр, золим кишиларни; тулки – айёр, иккиюзламачиларни; ит – очкўз, ёмонларни; эшак ва хўкиз – бефаҳм, бефаросат, дангаса инсонларни; кўён – кўрқоқларни; чумоли ёки асалари - меҳнаткаш одамларни таърифлаш, уларга образли тарзда нисбат беришга хизмат қилади. Бу образлар деярли барча тилларда бир хил. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳайвон номлари иштирок этган мақоллар қиёсий тилшунослик нуқтаи назаридан бир неча гуруҳларга бўлиниши мумкин:

1. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бир хил шаклга ва маънога эга бўлган изоморф мақоллар.

Инглиз ва ўзбек тиллари тиллар классификацияси жиҳатидан ҳам, ареал жиҳатдан ҳам, тилларнинг грамматик қурилиши ва луғат таркиби томонларидан ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Морфологик жиҳатдан инглиз тили аналитик тиллар гуруҳига кирса, ўзбек тили агглютинатив тиллардан биридир. Генеологик таснифга кўра эса инглиз тили роман-герман тиллар оиласининг, ўзбек тили туркий тиллар оиласининг аъзоси саналади. Шундай бўлишига қарамай, инглиз ва ўзбек тилларида бир хил мақоллар мавжуд. Бундай мақолларнинг маъноси бир хил, фақат шакл жиҳатдан айрим ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

Масалан, инглиз тилида *The dogs bark, but caravan goes on* мақолини “Итлар хуради, лекин карвон ўз йўлида давом этади” тарзида таржима қилишимиз мумкин. Кўринадики, ўзбек тилидаги *Ит хуради, карвон ўтар* мақоли юқоридаги мақолнинг айнан ўзидир. Бу мақол “ёмон инсонлар сенга қанча ёмонлик қилсалар ҳам, ёмон гаплар айтсалар ҳам, ўз йўлингдан қайтма, мақсадинг сари олға боравер, ёмон одамлар гапириб қолаверадилар” деган мазмунда ишлатилади.

Инглиз тилидаги *Every dog is a valiant at his own door* (Ҳамма ит ҳам ўз эшиги олдида ботир) ва ўзбек тилидаги *Ит ўз уйида ботир* мақоллари ҳам бир хил маъно ва деярли бир хил шаклга эга. Ушбу мақол орқали иккала тилда ҳам бировларнинг ёрдами билан мақтанувчи, ўзига, ўз кучига эмас,

балки ўзидан кучлироқ бирор инсонга ишониб гапирувчи кишилар танқид қилинади. Ўзбек тилида бу мақолнинг “Ит ўз уясида зўр”, “Ит ўз эгасига суяниб ҳурийди”, “Овули яқин ит қашқирдан кўрқмас” вариантлари ҳам мавжуд.

Инглиз тилида *Dog does not eat dog* мақоли мавжуд ва у ўзбек тилидаги *Ит итни емайди* мақолининг айна кўриниши саналади. Ўзбек тилида *Ит итни емайди* мақоли нисбатан кам қўлланиб, асосан унинг *Қарға қарганинг кўзини чўқмайди* синонимидан кенг фойдаланилади. Бу мақолга “Ҳикматнома” китобида қуйидагича изоҳ берилади: “Золим, қонхўрлар бошқага ҳар қанча жабр-ситам ўтказсалар ҳам, бир-бирларига ёмонлик соғинмайдилар, бир-бирларининг ёнларини олиб, қўллаб-қувватлайдилар”.<sup>1</sup>

2. Алломорф мақоллар, яъни семантик жиҳатдан ўхшаш ва яқин, шакл жиҳатидан турлича бўлган мақоллар.

Масалан, инглиз тилида *Never fry a fish till it's caught* (Балиқни тутмагунча уни пиширма) мақоли мавжуд. Бу мақол шошилмасликка, бир ишни битирмай туриб мақтанмасликка чақириб айтилади. Ушбу мақолнинг ўзбек тилида қуйидаги эквивалентлари мавжуд: *Жўжани кузда санайдилар; Чучварани хомлигида санама, Жўжани каллигида санама; Чучварани пишириб сана, Жўжани – очириб.*

Алломорф мақоллар турли тилларда турлича образларга эгалиги билан аҳамиятлидир. Яъни шошқалоқ бўлмасликка чақириб инглиз тилида *fish* (балиқ) тимсолида ифодаланса, ўзбек тилида шу маънони келтириб чиқариш учун *жўжа* ва *чучвара* сўзлари қўлланади. Бу эса ҳар бир миллатга хос “миллий лисоний манзара”ни намоён этади ва бу лингвокультурологик таҳлил учун энг муҳим жиҳат саналади.

Қуйидаги мақолларда ҳам инглиз ва ўзбек тилларига хос “миллий лисоний манзара” яққол кўзга ташланади:

Инглиз тилидаги *Every dog is a lion at home* (Ҳамма ит ҳам ўз уйида шер) ва ўзбек тилидаги *Ит уясида ўзини йўлбарс санайди* мақоллари. Таҳлил қилинаётган иккала мақол ҳам маъноси жиҳатидан бир хил, лекин инглизлар ботирлик, кўрқмасликни шер воситасида ифодалашса, ўзбеклар бу сифатларни йўлбарсда кўрадилар. Бу эса инглиз ва ўзбек маданиятидаги айрим нозик маъно фарқларини очиб беради.

*One barking dog sets all the street a-barking* – *Битта ҳурадиган ит кўчадаги барча итларни ҳурдиради* мақоли битта ёмон, ахлоқсиз инсон бутун жамоани уятга қўяди, битта беодоб бола бир қанча боланинг хулқини бузади, деган маънода қўлланади. Ўзбек тилида ушбу мақолнинг бир нечта

---

<sup>1</sup> Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома: Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати. — Т., 1990. -6.484.

эквивалентлари мавжуд: *битта тиррақи бузоқ бутун подани булғайди; бир қирчанғи йилқи бутун подани қирчанғи қилади; бир қўтир эчки бутун подани қўтир қилади; битта чириган олма бир омбор олмани чиритади.* Ушбу ўзбек тилидаги мақоллар бир – бирига нисбатан синоним саналади.